



**ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ СОҲАСИДА ИЧКИ  
ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ**

**Ризаев Худойназар Амирулло ўғли**

ТДЮУ Ихтисослаштирилган филиали

Жиноят-ҳуқуқий фанлар кафедраси ўқитувчisi

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6563121>

**АННОТАЦИЯ:** Мазкур мақолада вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида Ички ишлар органларининг тутган ўрнига доир масалалар баён этилган. Шунингдек, мазкур мақолада муаллиф Ички ишлар органи ходимларининг вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларинг барвақт олдини олишни ташкил этилиши биринчидан, жамиятда зид турмуш тарзи кечиравчи шахслар ҳамда ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оиласлар ва вояга етмаганларни ўз вақтида аниқлашга, иккинчидан, шахсдаги ғайриижтимоий ҳулқ-атворни ижобий томонга ўзгартиришга ҳамда ҳуқуқбузарликларни барвақт профилактика қилишга, учинчидан, фуқароларни жиноятлардан, шу жумладан турли кўринишдаги жиноятлардан жабрланишини олдини олишга, тўртинчидан, вояга етмаганлар ўртасидаги низоларни бартараф этиш ва уларни олдини олишга қаратилган кенг қамровли ижтимоий-ҳуқуқий чораларни амалга оширишга имкон бериши борасида ҳам ўз фикрларини баён этган.

**Калит сўзлари:** Вояга етмаганлар, ҳуқуқбузарлик, профилактика, субъектлар, олдини олиш, болалар, Ички ишлар органлари, назоратсиз, қаровсиз, фаолият.

**АННОТАЦИЯ:** В данной статье рассматривается роль правоохранительных органов в профилактике правонарушений несовершеннолетних. В статье также рассматривается организация ранней профилактики правонарушений несовершеннолетних сотрудниками сотрудниками органов внутренних дел, во-первых, своевременное выявление лиц, находящихся в конфликте с обществом, и социально незащищенных семей и несовершеннолетних, во-вторых, позитивное изменение личностного асоциального поведения, его взгляды на раннюю профилактику правонарушений, в-третьих, профилактику потерпевших от преступлений, в том числе различных видов преступлений,



и, в-четвертых, на реализацию комплексных социально-правовых мер, направленных на разрешение и предупреждение конфликтов между несовершеннолетними.

**Ключевые слова:** несовершеннолетние, правонарушения, профилактика, субъекты, профилактика, дети, Органы внутренних дел, бесконтрольная, запущенный, деятельность.

**ANNOTATION:** This article discusses the role of law enforcement agencies in the prevention of juvenile delinquency. The article also discusses the organization of early prevention of juvenile delinquency by employees of internal affairs bodies, firstly, the timely identification of persons in conflict with society, and socially vulnerable families and minors, and secondly, a positive change in personal asocial behavior. his views on the early prevention of offenses, thirdly, the prevention of victims of crimes, including various types of crimes, and, fourthly, on the implementation of comprehensive social and legal measures aimed at resolving and preventing conflicts between minors.

**Keywords:** juveniles, offenses, prevention, subjects, prevention, children, Internal affairs bodies, uncontrolled, neglected, activity.

Юртимизда фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳитни қарор топтириш, аҳоли, жумладан, вояга етмаганлар ўртасида хуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида муайян чоратадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Шулардан келиб чиқиб, вояга етмаганлар ўртасидаги хуқуқбузарликлар профилактикаси бир томондан хуқуқбузарликларга қарши кураш бўйича давлат даражасида амалга оширлаётган чора-тадбирларнинг муҳим йўналишларидан бири бўлса, бошقا томондан эса ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳам устувор йўналишлари сирасига киради.

Вояга етмаганлар хуқуқбузарликларининг барвақт олдини олиш бўйича ваколатли субъектлар фаолияти ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, айниқса Ички ишлар ходимларининг вояга етмаганлар ўртасидаги хуқуқбузарликларнинг сабаб, шартшароитлари ва уларга имкон бераётган омилларни ўз вақтида аниқлаш, уларни бартараф



этиш ҳамда келгусида уларнинг содир этилишига йўл қўймасликка қаратилган фаолият муҳимдир.

Ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг барвақт олдини олиш соҳасини ташкил этилиши *биринчидан*, жамиятда зид турмуш тарзи кечиравчи шахслар ҳамда ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оиласлар ва вояга етмаганларни ўз вақтида аниқлашга, *иккинчидан*, шахсдаги ғайриижтимоий хулқ-атворни ижобий томонга ўзгартиришга ҳамда ҳуқуқбузарликларни барвақт профилактика қилишга, *учинчидан*, фуқароларни жиноятлардан, шу жумладан турли кўринишдаги жиноятлардан жабрланишини олдини олишга, *тўртинчидан*, вояга етмаганлар ўртасидаги низоларни бартараф этиш ва уларни олдини олишга қаратилган кенг қамровли ижтимоий-ҳуқуқий чораларни амалга оширишга имкон беради.

Бунда вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида Ички ишлар органларининг тутган ўрни муҳим бўлиб, улар ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шартшароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар умумий, маҳсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирларни амалга оширишади<sup>1</sup>.

Юқоридаги профилактик чора-тадбирларни тўғри ташкил этилиши жиноятларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Професор И.Исмаилов таъкидлаганидек, жиноятларнинг олдини олиш шуниси билан афзалки, бу фаолиятга жиноят содир этган шахснинг жазоланиши муқаррарлигини таъминлаш учун сарфланадиган анча кам харажат қилиниши билан бир вақтда, инсонни, айниқса ёшларни жамиятда ўз ўрнини топишга, ҳаётда атрофидаги яқин кишилари, бошқа инсонлар ва жамият учун фойдали бўлган фаолият билан шуғулланишга ундейди ҳамда уни амалга оширишда кўмаклашади<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги 2014 йил 14 майдаги қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.

<sup>2</sup>Исмаилов И. Уюшган жиной тузилмалар фаолиятининг олдини олишни назарий ва ташкилий-ҳуқуқий таъминлаш: Юрид. фан. док-ри. дисс... –Т., 2006. –Б. 199.



Г.Ў.Ахмедованинг фикрича, жиноятларнинг олдини олиш тўғри ташкил этилса, мамлакатимизда жиноятчиликнинг аҳволини тубдан ўзгартира олмаса ҳам, унга қарши амалий кураш муайян жиноятлар ривожланишидаги салбий омилларга амалда қаршилик кўрсатиш мумкин<sup>3</sup>.

Ж.С.Мухторов тадқиқотларида, профилактика хизмати томонидан худуддаги ҳар бир жиноятнинг сабаб ва шароитларини ўз вақтида аниқлаш, уларни бартараф этиш, кучизлантириш, таъсирини йуқотиш ҳамда уларга тўсиқлар қўйиш бўйича манфаатдор профилактика субъектлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш лозим<sup>4</sup> деб батафсил тўхталиб ўтган. Ана шундай фаолиятнинг асосий мақсади бўлиб, вояга етмаганлар ҳукуқбузарликларининг барвақт олдини олиш фаолиятини ташкил этиш ҳисобланади.

М.Қ.Ўразалиевнинг фикрича, жиноятларни профилактика қилиш жиноятчиликнинг олдини олиш фаолиятининг таркибий қисми ҳисобланиб, у жиноятчилик сабабларини ва унга имкон берувчи шарт-шароитларни, уларнинг айрим гуруҳлари ва жиноятчилик турларини изчил аниқлаш ва бартараф этилишини назарда тутади<sup>5</sup>. Шундай қилиб, ушбу фаолиятни ташкил этишдан мақсад, энг аввало, ҳукуқбузарликларни барвақт профилактика қилиш, уларни заарсизлантириш, ҳукуқбузарлик содир этилиши мумкин бўлган шахсларга таъсир кўрсатиш ҳамда фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига қарши қаратилган турли тажовузларни олдини олишдан иборатdir.

Вояга етмаганлар ҳукуқбузарликларининг барвақт олдини олишда фуқаролик жамияти институтлари, жамоат тузилмалари ва кенг жамоатчилик билан ҳукуқбузарликлар профилактикасини самарали амалга ошириш бўйича ҳамкорликнинг янги усул ва шаклларини ишлаб чиқиб, бу борадаги ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишиңи тақозо этмоқда. Чунки, барча ички ишлар органлари соҳавий хизматлари

<sup>3</sup>Ахмедова Г.Ў. Уюшган гуруҳлар кичик тадбиркорлик соҳасида содир этиладиган жиноятларнинг олдтини олиш: юрид. фан. номз. дисс-я. –Т., 2006. –Б. 101.

<sup>4</sup>Мухторов Ж.С. Ички ишлар идоралари профилактика хизматлари фаолиятининг ташкилий ҳукукий асослари: Ўқув қўлланма / Масъул мухаррир юрид. фан. доктори И.Исмаилов –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2008. –Б. 32.

<sup>5</sup>Ўразалиев М.Қ. Оиласда вояга етмаганларга қарши содир этиладиган жинсий жиноятларнинг олдини олиш: юрид. фан. номз. дисс-я. –Т., 2008. –Б. 90.



ўртасидаги ҳамкорликларда ҳам ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича асосий маълумотлар жамоатчиликдан келиб тушади.

Вояга етмаганлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, уларни келтириб чиқарувчи сабаб шароитлар ҳамда омилларни аниқлаш, келгусида содир этилишига йўл қўймаслик чораларини амалга ошириш, нотинч оилалардаги ижтимоий-руҳий муҳитни соғломлаштириш борасида жамоат тузилмаларининг фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, низоли вазиятлар, шу жумладан оилавий-маиший зўрлик ишлатиш сабабларини, ўз жонига қасд қилиш кайфиятини қўзғатадиган омилларни ўрганиш ҳамда уларни бартараф этиш чораларини қўриш<sup>6</sup> борасида ички ишлар органлари билан манзилли профилактика ишларини ташкил этиш натижасида оилалардаги ғайриижтимоий низоли ҳолатларнинг барвақт профилактикасини таъминлашга эришилмоқда.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари voyaga етмаганларда қонунга хурмат ва қонун бузилишининг ҳар қандай кўринишига муросасизлик муносабатини шакллантириш, улар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, ҳуқуқбузарликлар содир этилиши сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш, бартараф этиш, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган voyaga етмаганларни тарбиялаш, улар билан профилактик чора-тадбирларни амалга оширишлари муҳим аҳамият касб этади.

*Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси –* бу, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг voyaga етмаган қатламида қонунга хурмат ва қонун бузилишининг ҳар қандай кўринишига муросасизлик муносабатини шакллантириш, voyaga етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олиш, ушбу ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш, бартараф этиш, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган voyaga етмаганларни тарбиялашга йўналтирилган профилактик фаолиятдир.

---

<sup>6</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш, шунингдек, оилавий-маиший зўрлик ишлатишнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3827-сонли Қарори.



Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликлар профилактикасини давлат ҳокимияти органлари, хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи, унда иштирок этувчи давлат органлари ва муассасалари ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганларни ва оиласарни, уларни жиноий фаолиятга жалб этувчи шахсларни аниқлаш, улар содир этаётган жиноятларнинг сабаб ва шароитларини бартараф этиш, шунингдек улар яшаётган ва таълим олаётган жойларда ижтимоий-руҳий муҳитни соғломлаштириш мақсадида амалга оширилаётган тарбия, ижтимоий-хуқуқий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий-хуқуқий назорат воситалари орқали профилактик таъсир чораларини қўллашдан иборат давлат сиёсати даражасида амалга ошириладиган алоҳида фаолият ҳисобланади<sup>7</sup>.

Вояга етмаганлар ўртасида хуқуқбузарликларни барвақт олдини олиш тушунчасига таъриф беришда мутахассисларнинг юқоридаги фикр-мулоҳазаларига назарий-методологик асос сифатида таяниш мумкин. Шу билан бирга, хуқуқбузарликлар профилактикаси тушунчаси бўйича Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги "Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги қонунининг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиши мақсадга мувофиқдир.

Бундан ташқари, ички ишлар органларини – ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганлар ва оиласар, хуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларни содир этган вояга етмаганлар тўғрисида, шунингдек вояга етмаганларни хуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларни содир этишга жалб қилаётган ёхуд уларга нисбатан бошқа ғайрихуқуқий қилмишлар содир этаётган отаоналар ва ўзга шахслар ҳақида ахборот билан таъминлаш.

Ички ишлар органлари вояга етмаганлар ўртасидаги хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи маҳсус ваколатли субъектлардан бири ҳисобланиб бу борада бир қатор муҳим вазифаларни бажаради. Жумладан, вояга етмаганлар ва ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларни хурмат қилиш руҳида тарбиялаш, ўсиб келаётган авлодни терроризм, диний экстремизм, зўравонлик ва

<sup>7</sup> Исаимов И. Вояга етмаганлар жиноятчилигининг криминологик тавсифи ва профилактикаси // Криминология. Маҳсус қисм: Дарслик / Муаллифлар жамоаси. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. — Б. 15.



шафқатсизлик ғояларидан ҳимоя қилишга қаратилган самарали ишларни ташкил этиш, ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганлар ва оиласар, ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларни содир этган вояга етмаганларга ижтимоий-педагогик ёрдам кўрсатишда юқоридаги ахборотлар талаб этилади.

Профилактика инспекторлари томонидан эса, жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка курашиш борасида бир қатор ваколат, ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадирлар. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги низомга қўра профилактика инспекторлари қўйидаги ваколатларга эгадирлар.

Ҳуқуқ тартибот масканига юклатилган вазифаларни бажариш учун профилактика инспекторлари қўйидаги ваколатларни амалга оширадилар:

қишлоқлар, овуллар ва маҳаллалардаги криминоген вазиятни, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон берувчи шарт-шароитларни ўрганадилар, шунингдек ўрганиш натижалари бўйича юқори турувчи ички ишлар органларига тегишли маълумот ва таклифларни тақдим этадилар;

вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва уларга чек қўйиш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича махсус профилактик чора-тадбирларни, шунингдек, ҳуқуқбузарликларни содир этишга мойил шахслар билан профилактика ишларини амалга оширадилар;

ўқувчиларининг таълим муассасаларидаги давоматини назорат қиладилар, ижтимоий хавфли ҳолатда бўлган ва таълим муассасаларига қатнамайдиган вояга етмаганлар ва ёшлар, шунингдек, ушбу тоифадаги шахсларнинг ота-оналари билан профилактика ишларини олиб борадилар;

тақиқланган ташкилотлар ҳамда террорчилик, экстремистик ва бошқа ғайриқонуний ва бузғунчилик йўналишидаги гуруҳлар фаолиятига алоқадор шахсларни аниқлайдилар;

ўрнатилган тартибда профилактик ҳисобга олишни, шу жумладан, ҳуқуқбузарликлар, уларни содир этган шахслар ва ҳуқуқбузарликлардан жабрланганлар ҳисобини юритадилар;



жиноятларни аниқлаш ва фош этиш ҳамда суриштирув, тергов ва суд органларидан яшириниб юрган, жиноий жазодан бўйин товлаётган, бедарак йўқолган шахсларни ҳамда қонун хужжатларида назарда тутилган ҳолатларда бошқа шахсларни қидириш, шунингдек, шахси номаълум мурдаларнинг шахсини аниқлаш бўйича тезкор қидирув тадбирларини амалга оширишга кўмаклашадилар;

аҳоли билан мунтазам равишда мавжуд муаммоларни ўрганиш ва уларни ҳал этишнинг мақбул йўлларини аниқлашга қаратилган учрашувлар ўтказиб борадилар;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа манфаатдор ташкилотларга ҳукуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ҳамда уларга имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этишга қаратилган, шу жумладан, инфратузилмани ривожлантириш ва ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишларини ташкил этиш юзасидан таклифлар киритадилар;

давлат органлари, жамоат ва бошқа ташкилотлар раҳбарларига ҳукуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ҳамда уларга имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича тақдимномалар киритадилар;

ҳукуқбузарликлардан жабрланган, ғайриижтимоий хулқ-атворга эга, ҳукуқбузарликлар содир этишга мойил ҳамда ҳукуқбузарлик содир этган шахсларга ҳукуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа турдаги ёрдамларни кўрсатиш, шунингдек уларга жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларини сингдиришга қаратилган чораларни амалга оширадилар;

ҳукуқбузарликлар профилактикаси, вояга етмаганларнинг ҳукуқий онги ва маданиятини ошириш, уларга қонунга хурмат ҳиссини сингдириш бўйича тадбирларни, шу жумладан, давлат органлари ва ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари вакилларини жалб этган ҳолда, ўтказадилар;

фуқаролар, айниқса, вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида қонун хужжатлари талабларига риоя этиш, ҳукуқбузарликлар профилактикаси, жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш масалаларида тушунтириш ишларини ташкил этадилар;



гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний айланиши ва истеъмол қилиниши, алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг ноқонуний ишлаб чиқарилиши ва сотилишининг олдини олиш бўйича тадбирларни амалга оширади;

порнографик мазмундаги маҳсулотлар, фоҳишабозлик ва ОИВ/ОИТСнинг, айниқса, вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ёйилиши ҳамда фоҳишахоналарнинг сақланишига чек қўйиш, ички ишлар органлари соҳавий хизматларининг ушбу йўналишдаги ишларини мувофиқлаштириш бўйича тадбирлар ўтказадилар;

хукуқбузарликлар содир этган вояга етмаганларга нисбатан қонун хужжатларида назарда тутилган таъсир чораларини қўллаш тўғрисида тегишли орган ва муассасаларга таклифлар киритадилар;

вояга етмаганларнинг назоратсизлиги, қаровсизлиги ва хукуқбузарликлари ҳолатлари ҳамда уларга имкон берувчи сабаб ва шарт-шароитлар тўғрисида тегишли ташкилотларни ўрнатилган тартибда хабардор қиласадилар;

таълим, маданий-кўнгилочар, спорт-соғломлаштириш муассасалари ва бошقا ташкилотларда (тўғараклар, клублар ва ҳ.к.) вояга етмаганлар билан олиб борилаётган тарбиявий ишлар аҳволини ўрганадилар;

vasiylik ва ҳомийлик органларига етим болалар ва ота-оналар қаровисиз қолган болаларни жойлаштиришда кўмаклашадилар;

хукуқбузарликлар профилактикаси масалалари бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни ҳамда бу борадаги ишларнинг мувофиқлаштирилишини таъминлайдилар;

вояга етмаганлар ўртасида хукуқбузарликлар ва жиноятларини олдини олиш мақсадида таълим муассасалари билан ҳамкорликда «Ўсмир», «Давомат» ва бошقا комплекс профилактик тадбирларни ташкил этиб, бу жараёнда хукуқбузарликлар содир этишга мойил бўлганларга алоҳида эътибор қаратиб, назоратга оладилар.

Хулоса ўрнида юқорида келтирилган фикр-мулоҳазалар ва таҳлилларга асосланган ҳолда вояга етмаганлар ўртасида хукуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш деганда хукуқбузарликлар профилактикаси субъектлари сифатида Ички ишлар органларининг



вояга етмаган қонунга хурмат ва қонун бузилишининг ҳар қандай кўринишига муросасизлик муносабатини шакллантириш, ёшлар ўртасида хукуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, ушбу хукуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон берадиган шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш, бартараф этиш, хукуқбузарлик содир этишга мойил бўлган вояга етмаганлар тарбиялаш, вояга етмаганларнинг хукуқбузарлиқдан жабрланувчига айланиши хавфини камайтиришга йўналтирилган профилактик таъсир кўрсатиш чора-тадбирларини амалга ошириш фаолияти тушунилади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 йил, 6-сон, 70-модда.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 августдаги “Бола хукуқларининг кафолатларини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. <https://lex.uz/docs/5570490>.
3. Исмаилов И. Вояга етмаганлар жиноятчилигининг криминологик тавсифи ва профилактикаси // Криминология. Махсус қисм: Дарслик / Муаллифлар жамоаси. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. — Б. 15.
4. Забрянский Г. И. Социология преступности несовершеннолетних. - Минск,. 1997. – С. 77.
5. Захаров А.И. Как предупредить отклонения в поведении ребёнка. М. «Просвещение», 1986.
6. Исмаилов И, Зиёдуллаев М, Исраилова Н, Азимова Ф. Вояга етмаганлар назоратсизилиги ва хукуқбузарликларини олдини олиш. Ўқув-амалий қўлланма. – Тошкент: РБИММ, 2011.
7. Исмаилов Б. Правовые аспекты защиты несовершеннолетних от вредного воздействия информационной среды. // Материалы международного форума «Социальное



партнерства во имя ребенка: передовой отечественный и зарубежный опыт». - Ташкент, 25-26 ноябрь, 2014. - С. 130.

8. Исмаилов И. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликлар профилактикасида ижтимоий шерикчиликнинг хуқуқий асослари. // Материалы международного форума «Социальное партнерства во имя ребенка: передовой отечественный и зарубежный опыт». - Ташкент, 25-26 ноябрь, 2014. - С. 132.